

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЙОРИТИШДА МУТАХАССИС ВА ЭКСПЕРТЛАРНИНГ ҮХШАШ ҲАМДА ҮЗАРО ФАРҚЛИ ЖИҲАТЛАРИ ЮЗАСИДАН ФИКР МУЛОҲАЗАЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15653350>

Маъруфалиев Ахрорбек Авазбек ўғли
ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада жиноят ишларини юритишда мутахассис ва эксперталарнинг үхшаш ҳамда үзаро фарқли жиҳатлари юзасидан фикр мулоҳазалар мутахассис ҳамда эксперталар фикрининг жиноят ишини тергов қилишдаги ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек мақолада миллий ва хорижий олимларнинг бу борадаги қарашлари билан илмий баҳс мунозарага киришилган. Жиноятларни тергов қилишда мутахассис иштироки бўйича хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилиб, миллий қонунчилликка тегишли ўзгартириш киритиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар

ўзлаштириш, растрата, талон-торож қилиш, мутахассис, гумон қилинувчи, айбланувчи, корхона, муассса, ташкилот, суроштирувчи, терговчи, прокурор.

Аннотация

В данной статье проанализированы сходства и различия между специалистами и экспертами в уголовном судопроизводстве, а также значение мнений специалиста и эксперта в процессе расследования уголовного дела. Кроме того, в статье представлены научные дискуссии, основанные на взглядах отечественных и зарубежных ученых по данному вопросу. Изучено законодательство иностранных государств в части участия специалиста в расследовании преступлений, и разработаны предложения и рекомендации по внесению соответствующих изменений в национальное законодательство.

Ключевые слова

присвоение, растрата, хищение, специалист, подозреваемый, обвиняемый, предприятие, учреждение, организация, дознаватель, следователь, прокурор.

Annotation

This article analyzes the similarities and differences between specialists and experts in criminal proceedings, as well as the significance of their opinions in the investigation of criminal cases. The article also engages in scholarly discussion based on the perspectives of both national and international researchers on the subject. Legislation of foreign countries regarding the involvement of specialists in criminal investigations is reviewed, and proposals and recommendations have been developed for introducing relevant amendments to national legislation.

Keywords

misappropriation, embezzlement, theft, specialist, suspect, accused, enterprise, institution, organization, inquiry officer, investigator, prosecutor.

Жиноят процессининг асосий мақсади бўлган одил судловга эришиш учун маҳсус билимлардан фойдаланиш самарадорлик гаровидир. Шундай экан бу борада илм-фандаги сўнгти ютуклар ва улардан жиноятчиликка қарши курашишда унумли фойдаланиш бу борада хуқукий механизmlарни такомиллаштиришни ҳам тақозо этади. Жиноят ишларини юритишда исбот қилиш самарадорлиги далилларни тўплаш ва текшириш жараёнида маҳсус билимлардан қанчалик ўринли фойдаланишига бевосита боғлик. Жиноят процессида маҳсус билимлардан фойдаланиш бундай билимларга эга шахслар, яъни мутахассисларнинг ишда иштирок этишида кўзга ташланади.

Муайян жараёнларда иштирок этаётган субъектнинг хуқукий мақоми ушбу тизимдаги муносабатларнинг мазмунига таъсир қиласди. Хуқуқшунослик фанидаги асосий масалалардан бири бу муносабатлар субъектининг хуқук ва мажбуриятлари тизими ҳисобланади. Жиноят процессининг иштирокчиси сифатида мутахассис, унинг хуқукий мақоми, исбот қилишдаги ўрнини чукурроқ ўрганишда “шахс мақоми” тушунчаси, унинг таркибий жиҳатларига эътибор бериш зарур.

Жиноят процессида мутахассис сифатида иштирок этиш ва хуқук субъекти бўлишнинг шартларидан бири фан, техника, санъат ёки хунарнинг муайян соҳасида маҳсус билимга эга бўлиш, тегишли соҳада иш тажрибасига эга бўлишдир.

Умуман олганда, мутахассис тушунчасини кенг ва тор маънода англаш мумкин, Л.В. Лазереванинг фикрича, кенг маънода маҳсус билимга эга бўлган ҳар қандай шахс сифатида ҳамда тор маънода жиноят ишига жалб қилинган ва алохида хуқукий мақомга эга бўлган жиноят процесси иштирокчиси сифатида тушунилади³⁸. Л.В. Лазереванинг фикрига қўшилиш мумкин,

³⁸ Лазерева Л.В. Концептуальные основы использования специальных знаний в Российском уголовном судопроизводстве. док. дисс. – М., 2011. – С. 126.

чунки мутахассисни ишга жалб қилишдан олдин унинг маҳсус билим ва қўникмага эгалиги аниқланади, шунингдек, мазкур белгиларга эга бўлган субъект ишда иштирок этиш учун жалб қилиниши орқали хуқукий мақомга эга бўлади.

Миллий энциклопедияларда мутахассис тушунчасининг ёритиб берилмаганлиги ва процесуал кодексларда унинг иштирокчи сифатидаги тушунчаси тўлиқ баён қилинмаганлиги процесс иштирокчисининг кам ўрганилганлигидан далолат беради³⁹.

Жиноят процессида мутахассиснинг хуқукий мақоми қонунда унга қўйилган, унинг жиноят процессида иштирок этиш имкониятини олдиндан белгилаб берадиган талаблар билан чамбарчас боғлиқдир.

Баъзи муаллифлар уларни белгилар деб атайдилар⁴⁰ ва уларга қўйидагиларни киритадилар: мустақиллик, ишнинг натижасидан манфаатдор эмаслик, малакалилик, маҳсус билим ва қўникмаларга эгалик, фаолиятни жиноят содир этилгани ҳакида ариза ёки хабар берилган пайтдан бошлаб жиноят процессининг барча босқичларида амалга ошириш, фаолиятни исботлаш субъекти раҳбарлигидан олиб бориш ва унга илмий-техникавий, консультатив ва бошқа зарур ёрдамни бериш⁴¹. Бошқа муаллифлар мутахассисга қўйиладиган талабларни унинг муайян хислатларга эга бўлиши деб тушунадилар ҳамда уларга қўйидагиларни киритадилар: билимли шахсларга мансублик; фан, маданият, санъат, техника, ҳунармандчиликнинг муайян соҳасида иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашда зарур бўладиган маҳсус билимларга эгалик; касбий ёки ҳаётий тажрибаси туфайли маҳсус билимларни қўллаш қўникмаларига эга бўлиш; жиноят процессини амалга ошираётган шахс томонидан жиноятни фош этиш ёки тергов қилиш жараёнига жалб этилган бўлиш; мустақиллик ҳамда ишнинг маълум бир натижа билан тугашидан манфаатдор эмаслик; ташкилий, функционал ва хуқукий жиҳатдан бошқа иштирокчилар бўйсунувида эмаслик⁴².

А.Г. Смородинова, А.В. Константиновларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, мутахассисга қўйиладиган асосий талаблар ёки белгиларни қўйидагиларга ажратиш мумкин: 1) жиноят процессида иштироки давомида хуқукий мақомга эга бўлиши; 2) маҳсус билимларга эгалик; 3) маҳсус

³⁹ Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича маҳсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари: Юрид.фан. докт. (DSc) илмий дар.олиши учун ёзилган дис.— Т., 2018. — Б. 66.

⁴⁰ Смородинова А.Г. Проблемы использования специальных познаний на стадии возбуждения уголовного дела в Российской уголовном процессе: дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2001. — С. 77.

⁴¹ Ўша жойда. С. 77-78.

⁴² Константинов А.В. Процессуальные и организационные проблемы участия специалиста в уголовном судопроизводстве на стадии предварительного расследования: дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2006. — С. 124.

билимларни қўллашга оид касбий ёки ҳаётий қўникумаларга эга эканлиқ; 4) ишнинг натижаларидан манфаатдор эмаслик.

Жиноят процессида субъектнинг ҳуқуқий мақоми ва унга қўйиладиган талаблар, унга берилган ҳуқуқий таърифида ўз ифодасини топади. Адабиётларда “мутахассис” тушунчасининг мазмунига турлича таърифлар берилган.

А.И. Винберг “мутахассис” деганда, терговчининг ўрнини босмайдиган, муайян соҳада билимга эга бўлган, иш учун муҳим масалаларда ёрдами керак бўлиб, эксперт тайинлаш зарурати бўлмаган барча ҳолларда терговчига маҳсус билимлари билан кўмаклашадиган шахсни тушунади⁴³.

Бизнингча, мутахассисга берилган ушбу таърифи тўлиқ эмас. Мутахассис жиноят процессида нафақат терговчи, балки ўз мақомига кўра барча процесс иштирокчилари ўрнини ҳам эгаллай олмайди, уларнинг ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ваколатлари, ишда иштирок этишининг маълум бир чегаралари мавжуд.

Э.Б. Мелникова мутахассисни суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида фойдаланиш зарурати туғилган, маҳсус билимга эга бўлган, ишнинг натижаларидан манфаатдор бўлмаган; тергов ҳаракатини юритишда иштирок этиш учун жалб қилинган; эксперт хулосасини беришдан бошқа ҳар қандай шаклда илмий-техникавий ёрдам кўрсатадиган; тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида терговга қадар текширувни амалга ошираётган шахс, суриштирувчи ёки терговчи томонидан бошқариладиган шахс деб ҳисоблайди⁴⁴.

Э.Б. Мелникова мутахассисга берган таърифга тўла қўшилиб бўлмайди. Чунки, мутахассиснинг иштирокига нафақат суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида зарурати туғилади балки, суд босқичларида ҳам маҳсус билимга эга бўлган шахслар мутахассис сифатида ишга жалб қилиниб, уларнинг хизматидан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, мутахассис суриштирувчи ва терговчи томонидан бошқарilmайди, улар жиноят процессуал қонун билан белгиланган тартибда ўз процессуал вазифаларини амалга оширадилар.

Е.П. Гришина қонунда “мутахассис” тушунчасини қўйидаги таҳрирда мустаҳкамлашни таклиф қиласди: “Мутахассис – ашё ва ҳужжатларни топиш, қайд этиш ва олиб қўйишида, жиноят иши материалларини ўрганиш учун техника воситаларини қўллашда, эксперт олдига саволлар қўйишида қўмаклашиш, шунингдек мутахассис сифатида кўрсатувлар бериш,

⁴³ Винберг Л.И. Специалист в процессе предварительного расследования // Проблемы судебной экспертизы. — М., 1961. — № 3. — С. 44.

⁴⁴ Мельникова Э.Б. Участие специалиста в следственных действиях. — М., 1964. — С. 24–25.

мутахассис хулосасини тақдим этиш, ёзма маълумот ва ҳужжатлар тузиш орқали томонларга ва судга ўз касбий ваколатига кирувчи масалаларни тушунтириш мақсадида қонунда белгиланган тартибда процессуал ҳаракатлар ва тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун жалб қилинадиган ҳар қандай ваколатли ва маҳсус билимга эга бўлган шахс⁴⁵.

О.А. Исаеванинг фикрича, жиноят процессида “мутахассис” деганда маҳсус билимга эга бўлган, жиноят иши натижаларидан манфаатдор бўлмаган, далиллар топиш, тўплаш ва ўрганишда кўмаклашиш; тадқиқотлар ўтказиш ва хулоса бериш; техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш; жиноят иши материалларини ўрганиш ва экспертга саволлар бериш, шунингдек, томонларга ва судга ўз касбий ваколатига кирувчи масалаларни тушунтириш ҳамда кўрсатувлар бериш учун процессуал ҳаракатларда иштирок этишга жалб қилинадиган шахс тушунилади⁴⁶.

И.Р. Астанов фикрича, мутахассис сифатида жиноят ишидан манфаатдор бўлмаган ва маҳсус билимга эга бўлган ҳар қандай шахс жалб қилиниши мумкин⁴⁷. Мутахассиснинг ўз фаолияти доирасидан келиб чиқиб маслаҳат бериши ёки маълумот бериш маҳсус билимлардан фойдаланишнинг алоҳида шакли ҳисобланмасада, маҳсус билим эгасининг фаолият турларини намоён этади⁴⁸.

Е.П. Гришина, О.А. Исаева, И.Р. Астановлар билдирган фикрлар маълум маънода “мутахассис”нинг кимлиги, унинг фаолияти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. “Мутахассис” тушунчасига ҳар хил ёндашишлар орқали таъриф берилиши, унинг функцияларининг қўпайиб бораётганини билдиради.

Бизнинг фикримизча, жиноят процессида “мутахассис” деганда, судга қадар иши юритиши ва суд жараёнида ишини юритаётган мансабдор шахсларнинг тегишли қарорига асосан, маҳсус билимларга эга бўлган, жиноят иши натижаларидан манфаатдор бўлмаган, ашё, ҳужжатларни топиш, тўплаш, қайд этиши ва олиб қўйиши ва ўрганишида ҳамда ҳақиқатни аниқлашида экспертлар олдига саволлар қўйишида ваколатли шахсларга кўмаклашиш учун жалб қилинган шахсdir.

Мутахассис ва экспертнинг фаолият йўналишлари бир-бирига яқин бўлганлиги, уларнинг ҳар иккиси ҳам маҳсус билимлардан фойдаланиши

⁴⁵ Гришина Е.П. К вопросу о доктринальных и правовых положениях относительно заключения и показаний специалиста в уголовном судопроизводстве // Российский судья. — 2019. — № 4. — С. 18–23.

⁴⁶ Исаева О.А. Процессуальный статус специалиста в условиях состязательности уголовного судопроизводства: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2008. — С. 6.

⁴⁷ Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича маҳсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва қриминалистик жиҳатлари: Юрид.фан. докт. (DSc) илмий дар. олиш учун ёзилган дисс-я – Т., 2018. – Б. 68.

⁴⁸ Ўша манба. 60-б.

боис уларнинг процессуал фаолиятини фарқлаш зарур⁴⁹. Махсус билимларга эга бўлиш мутахассисни айблов ва ҳимоя томонидан қатнашаётган жиноят процесси иштирокчиларидан, суддан, шунингдек ҳуқуқий таърифи экспертдан бошқа барча “процесснинг иштирокчилари”дан ажратиб туради.

Мутахассис ва экспертнинг ҳуқуқий мақомидаги фарқлар шундаки, мутахассис “махсус билимга эга бўлиб, процессуал ҳаракатларда кўмаклашиш учун иштирок этишга жалб қилинади”, эксперт эса “махсус билимга эга бўлган, экспертиза тадқиқотини ўтказиш ва хулоса бериш учун тайинланган” шахсдир. Шунинг учун ҳам мутахассис ва экспертнинг ҳуқуқий мақомларини жиноят процессида мақсадига кўра фарқлаш зарур.

А.В. Кудрявцева “жиноят иши юритишнинг мазкур иштирокчиларини процессуал ҳолати, яъни эксперт ва мутахассис олдида турган вазифаларни ҳал қилиш даражаси бўйича бир-биридан фарқлаш лозим”⁵⁰ лигини маълум қилган. Мутахассис ишга масалаларни тажриба асосида ечиш лозим бўлганда ҳамда бунинг натижаси етарли бўлганда, уларни ечишда лаборатория ускуналаридан фойдаланиш, мураккаб ҳисоб-китоблар, узоқ муддат талаб қилинмагандга жалб этилиши лозим⁵¹.

Бизнингча, А.В. Кудрявцеванинг ушбу фикрлари мутахассис ва эксперт бажарадиган вазифаларини фарқлаш, уларни қайси ҳолда жалб қилиш мақсадга мувофиқлигини билишда аҳамиятга эга.

И.Р. Астанов ўз тадқиқотларида, мутахассис ва экспертнинг жиноят процессидаги иштирокига оид қуйидаги фарқларини санаган: 1) мутахассис фикри маслаҳат тусида бўлади ва тажрибали терговчининг яна бир бор ўз ҳаракатларига ишончини кучайтиради. Айрим ҳолларда терговчилар ҳам бундай билимга эга бўлади; экспертиза эса баъзида кўпчилик илғай олмайдиган, аллақачон йўқолиб кетган далилларни қайта тикишга ёрдам беради; 2) мутахассис экспертдан фарқли равишда тадқиқот олиб бормайди, балки факатгина далилларни аниқлашга, олишга ва мустаҳкамлашга ёрдам беради, эксперт эса тадқиқот натижаси бўйича хулоса беради ва унинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади; 3) эксперт хулосаси асосида иш қўзғатиладиган бўлса, берган хулосаси учун эксперт шахсан жавоб беради; мутахассиснинг иш қўзғатишга сабаб бўлувчи фикрига асослангани учун

⁴⁹ Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари: Юрид.фан. докт. (DSc) дис. – Т., 2018. Б. 75.

⁵⁰ Кудрявцева А.В. Заключение и показания специалиста как вид доказательств в уголовном процессе России // Актуальные проблемы теории и практики уголовного судопроизводства и криминалистики: Сб. статей конф. – М.: Академия управления МВД России, 2004. – С. 56-6.

⁵¹ Ўша манба.55-6.

терговчи жавобгар, чунки унинг фикри маслаҳат қўринишига эга⁵². Бу борада И.Р. Астановнинг фикрларига қўшилиш мумкин.

Мутахассис ва эксперт аслида битта шахс бўлиши мумкин, лекин улар жиноят процесидаги иштирокига, яъни бажарадиган вазифасига кўра ўзаро фарқланади. Жиноят процесида экспертнинг вазифаси (мақсади, вазифалари) экспертизаси ўtkазиш ва ўtkazilgan тадқиқот натижаларига асосан хulosha беришдир, шунингдек эксперт сўроқ қилиниши ва ундан kўrsatuv олиниши мумкин. Мутахассиснинг вазифасини унинг фаолият соҳалари орқали англаш мумкин. Мутахассис процессда қуйидаги мақсадларда иштирок этади: 1) тергов ва суд муҳокамасини ўtkaziшда далилларни топиш ва мустаҳкамлашда суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга ёрдам бериш; 2) тергов ва суд муҳокамасини ўtkaziшда илмий-техника воситаларини (магнитофон, видеомагнитофон, кинога олиш аппаратлари ва бошқа аппаратларни) қўллаш учун.

Бундан ташқари, айрим тергов ҳаракатларини ўtkaziш мутахассисга топширилиши мумкин. Масалан, шахсни ечинтириб ялангочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш билан боғлиқ бўлган, шунингдек экспертиза ўtkaziшни талаб қилмайдиган усуулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда гувоҳлантириш суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўtkaziladi (ЖПК 146-м.). Тафтиш ўtkaziш учун тайинланадиган шахслар сифатида мутахассислар иштирок этиши мумкин (ЖПК 187-3-м.).

Кўздан кечириш чоғида ўлчов ўtkaziш, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга тушириш, режалар, схемалар, чизмалар тузиш, излардан қолиплар ва нусхалар олиш ишларини бажаришга ёрдам бериш учун мутахассислар жалб қилиниши мумкин (ЖПК 136-м.).

Мутахассиснинг хуқуқий мақомини, унинг жиноят-процессида юзага келадиган хуқуқий муносабатлардаги ўрнини белгиловчи процессуал қоидалар йиғиндисини ўрганиш асосида, мутахассиснинг муомала лаёқати, хуқуқий лаёқат, хуқук ва мажбуриятлари, вазифалари сингари хуқуқий белгиларини алоҳида ифодалаш орқали билиб олиш мумкин.

Исбот қилиш жараёнида мутахассис ва экспертнинг хуқуқий мақомига аниқлик киритишида, уларнинг хуқуклари, мажбуриятлари ҳамда

⁵² Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича маҳсус билимлардан фойдаланишининг процессуал ва криминалистик жихатлари: Юрид.фан. докт. (DSc) ... дис. – Т., 2018. – Б. 77-78.

жавобгарлиги ўртасидаги умумий жиҳат ва фарқларни таҳлил қилиш лозим бўлади.

Хуқуқий мақомидаги умумий жиҳатлар қўйидагилар:

1) эксперт ҳам, мутахассис ҳам маҳсус билимга эга бўлган ҳамда дастлабки тергов органлари ва судга ёрдам бериш мақсадида жиноят процессида иштирок этишга жалб қилинадиган жиноят процесси иштирокчиларидир (ЖПК 67, 69-моддалари);

2) мутахассис тегишли маҳсус билимга эга бўлмаса, жиноят процессида иштирок этишни рад қилишга ҳақлидир (ЖПК 70-м.), эксперт тегишли маҳсус билимга эга бўлмаса, жиноят процессида иштирок этишни рад қилиш (ЖПК 68-м.) масаласи кўрсатилмаган.

3) иккаласи ҳам суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят қилиш хуқуқига эга (ЖПК 68-м. ва 70-м.);

4) экспертга ҳам, мутахассисга ҳам тенг мажбуриятлар юкланган бўлиб, булар қўйидагилардир: суриштирувчи, терговчи ёки суднинг чақиравига биноан ҳозир бўлиш; жиноят иши бўйича иш юритишга тўскинлик қилмаслик (аралашмаслик), агар бу ҳақда ЖПК 88-моддасида белгиланган тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ олдиндан огохлантирилган бўлса, эксперт ёки мутахассис сифатида жиноят ишида иштирок этиши боис ўзларига маълум бўлган дастлабки тергов маълумотларини ошкор этмаслик (ЖПК 68-м. ва 70-м.);

5) ЖПКда назарда тутилган ҳолларда эксперт кўрсатув ва хulosалар беришга мажбурдир (ЖПК 68-м.) мутахассиснинг ЖПК талабларига мувофиқ ўзига маълум бўлган ҳолатлар бўйича кўрсатув бериш мажбурияти кўрсатилган бўлсада, хулоса бериш мажбурияти мавжуд эмас;

6) ЖПК 76, 78-моддаларига мувофиқ, ЖПК 80-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида эксперт ҳам, мутахассис ҳам рад қилиниши лозим.

Мутахассис ва экспертнинг хуқуқий мақомини юқорида таҳлил қилинганидек, жиноят процессида қайд қилинган хуқуқ ва мажбуриятлар орқали иштирок этишида белгиланган вазифа ва кўзланган мақсадлар орқали фарқлаш керак.

Исбот қилиш жараённида экспертнинг вазифаси жиноят процессида суд экспертизаси ўтказиб, хулоса ва кўрсатув беришдан иборатдир.

Мутахассис экспертдан фарқли равишда, қўйидаги исбот қилиш жараёнларига жалб этилади:

- 1) ашё ва ҳужжатларни аниқлаш, мустаҳкамлаш ва олиб қўйишида ёрдам бериш;
- 2) жиноят иши материалларини ўрганиш учун техника воситаларини кўллашда кўмаклашиш;
- 3) экспертга саволлар бериш;
- 4) томонларга ва судга ўз қасбий ваколатига кирувчи масалаларни тушунириш;
- 5) ЖПК 187¹-моддаси биринчи қисмига мувофиқ ҳужжатли текширув ва тафтишлар ўтказиш, ҳужжатлар, ашёлар, мурдаларни текшириш;
- 6) далолатнома ва кўрсатувлар бериш (ЖПК 187⁸-м.) дан иборат вазифаларни амалга оширишида жалб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, исбот қилиш жараёнида мутахассиснинг вазифалари экспертиклига қараганда кенг ҳамда иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашга қаратилган ҳолат қамрови каттароқ ҳисобланади.

Мутахассис ва экспертининг ҳуқуқий мақомидаги фарқлар жиноят процессида мазкур иштирокчилар кўрсатув бериш ҳуқуқига эга бўлган пайт билан хам боғлиқ⁵³. ЖПК 68-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, эксперти сўроқ қилиш, хulosса олинганидан кейин, хulosага тушунириш ва аниқлик киритиш учун тақдим этилса, мутахассис учун конунда унинг кўрсатувларини олиш вақти белгиланмаганлигини кўришимиз мумкин.

Хulosса ўрнида айтадиган бўлсак эксперт бу маҳсус билимга эга бўлган, белгиланган тартибда давлат экспертилик фаолияти билан шуғулланиш ваколатига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс ҳисобланса, мутахассис маҳсус билимга эга бўлган экспертилик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахс ҳисобланади. Шунингдек бизнингча ҳар қандай эксперт мутахассис бўла олади бироқ ҳар қандай мутахассис эксперт ҳисобланмайди десак янглишмаган бўламиз.

⁵³ Правовой статус и правовая регламентация участия специалиста в уголовном процессе: теоретические, процессуальные и организационные аспекты: монография / Е.А. Семенов, В.Ф. Васюков, А.Г. Волеводз; под редакцией А.Г. Волеводза. — Москва: МГИМО-Университет, 2020. — С. 28.